

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**“ТАРИХ” КАФЕДРАСИ**

**«Ўзбекистон тарихи» фанидан**

# **РЕФЕРАТ**

***МАВЗУ: ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРГАН***  
***(РЕНЕССАНС) УЙҒОНИШ ДАВРИ.***

**Тошкент - 2012**

## **ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРГАН (РЕНЕССАНС) УЙҒОНИШ ДАВРИ.**

**РЕЖА:**

**1. IX-XII АСРЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН ЎРТА ОСИЁЛИК БУЮК  
АЛЛОМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН  
ҲИССАЛАРИ.**

**2. IX-XII АСРЛАРДА АДАБИЁТ, МЕЪМОРЧИЛИК ВА ДИН РАВНАҚИ. ЎРТА  
ОСИЁЛИК БУЮК ИСЛОМШУНОС МУТАФАККИРЛАР.**

**3. ТЕМУР ДАВРИ МАДАНИЯТИ.**

**4. УЛУҒБЕК АКАДЕМИЯСИ. А. НАВОИЙ МЕРОСИ.**

**ХУЛОСА**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## КИРИШ.

IX-XII асрларда юртимизда илм-фан, маданият шунчалик даражада юксалдики, бу юксалиш нафақат юртимиз тараққиётига, ҳатто дунё тараққиётига ҳам ўз улушини қўша олди. Бу юксалиш даврини инсоният уйғониш (ренессанс) деб тан олганлиги бежиз эмас, албатта. Бу юксалишнинг содир бўлишини айнан шу даврда юртимизда қудратли марказлашган давлатлар ташкил топиб, ўлкамизда тинчлик ва осойишталик қарор топганлиги, бу ҳолатлар илм-фан, маданият ривожига имкон яратганлиги ва бундан ташқари бу даврда ҳукмдорлик қилган амир ва подшоҳларнинг аксарияти илмли ва маънавиятли бўлганлиги, уларнинг ўзлари илм-фан, маданият ривожига ҳомийлик қилганлиги билан боғлайдилар. Уйғониш содир бўлишига туртки берган яна бир муҳим омил ислом маънавияти ҳамдир.

Араб халифалиги юртимизни эгаллагач араб тили давлат тили даражасига кўтарилди. Араб тилини, ислом дини, Қуръони Каримни яхши эгаллаган ва билган шахсларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошди. Бу араб тилига нисбатан ҳаётий эҳтиёжни кучайтирди. Юртимизда ҳам араб тилини яхши биладиган толиби илмлар борган сари кўпайиб бордилар. Араб тили ва ислом дини бўйича мукамал билим ва малакага эга бўлганлар халифаликнинг марказий шаҳарларига бориб ўқишни одат тусига, анъанага айлантирдилар.

Юртимизда уйғониш содир бўлишига туртки берган ислом маънавияти таъсири туфайли Мовароуннаҳр ва Хоразмдан буюк бир зотлар чиқдики, улар дунё илм-фани ривожига ҳам улкан ҳиссаларини қўша олдилар.

IX-XII асрларда нафақат илм-фан, маданият, моддий ишлаб чиқариш ҳам ривож топди. Ҳунармандчилик ва савдо ҳам тараққий этди. Айниқса, бу ҳолатлар юртимиз ривожига қадимдан ўз ҳиссасини қўшиб келган Буюк Ипак йўлининг ўрни ва аҳамиятини яна ҳам оширди. Бу савдо йўли туфайли юртимизда обод ва гўзал шаҳарлар сони кўпайиб борди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки Ал-Муқаддасийнинг ёзишича (985 йил ёзган) 830-833 йилларда Хоразмда 13 шаҳар мавжуд бўлган бўлса, ярим йилдан сўнг шаҳарлар сони 33 тага етган. Булар: Кос, Гардмон, Ойхон, Орзахива, Нуқфоғ, Қардор, Миздакхон, Жашира, Садвор, Зардух, Боратегин, Мадминия (Амударёнинг ўнг соҳилида) Журжония, Рахушмисон, Мадамисан, Хива, Кардаранкос, Хазорасп, Жигарбанд, Жоз, Дарғон, Жит, Кичик Журжония, иккинчи Жит, Сафдор, Нузвор, Замаҳшар, Рузун, Вазирманд, Васкаханкас, Андаросгон ва ҳокозолар. Бу шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривож топди.

Бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг иқтисоди ва маданияти юксалди. Марв, Бухоро, Самарқанд, Урганч шаҳарлари эса ўз замонасининг маданий марказлари сифатида шуҳрат қозонди. Айрим ҳукмдорларнинг ўзлари илм-фан, маданиятга ҳомийлик қилдилар. Кўплаб мадрасалар вужудга келди. Амалдорларнинг аксарияти ўзларининг йирик кутубхоналарига эга эдилар.

Кўплаб Ўрта Осиёлик билимли, араб тилини яхши билган ёшлар Бағдод ва бошқа мусулмон шаҳарларига таълим олиш учун борар эдилар. Айниқса, бу даврда Бағдод шаҳри Шарқнинг илм-маърифат маркази сифатида шуҳрат қозонган эди. IX асрда бу шаҳарда “Байт-ул-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”)-

Шарқнинг фанлар академияси иш бошлаган эди. Худди шунга монанд X аср охири XI аср бошида Хоразмда ҳам подшоҳ Абул Ҳасан ибн Маъмун томонидан 1004 йилда “Дор-ул-хикма ва маориф” (Мажлиси уламо) ташкил этилди. “Маъмун академияси” деб ном олган бу донишмандлар уйида Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Ал-Хўжандий, Абдумалик ас-Солибий каби ўз даврининг ўнлаб буюк олимлари ижодий фаолият кўрсатдилар.

## **1. IX-XII АСРЛАРДА ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН ЎРТА ОСИЁЛИК БУЮК АЛЛОМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАЛАРИ.**

Фанда «Уйғониш даври» деб аталадиган давр Ғарбий ва Марказий Европада жойлашган мамлакат-ларда XIУ-ХУI асрлардаги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш учун ишлатилган. Биринчи мартаба «уйғониш» атамасини XVI аср италян рассоми ва тарихчиси Ж. Вазари ўз асарларида ишлатади. «Уйғониш», «уйғониш даври» атамалари XIУ-ХУI аср ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моҳиятини очиб бермасдан, кўпроқ антик давр меросини, яъни антик маданиятга ўхшаш маданият-нинг қайтадан «тирилиши», «уйғониши» маъносида ишлатила бошланди. Кейинчалик фанда бу атама кенг қўлланила бошланди. Шу маънода кўпчилик тадқиқотчилар IX-ХII асрлар Ўрта Осие халқлари тарихида маданиятнинг ривожланишига хос хусусият-ларни ҳам «уйғониш» даври деб аталиши юқорида қайд қилинганидек, шартлидир деб ҳисоблайдилар.

IX-ХII асрлар Ўрта Осие халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш йиллари бўлди. VIII асрда Араб халифалиги ҳозирда Ўрта Осие деб аталмиш худудни фатҳ этиб бўлган, босиб олинган ерларда ислом дини кенг ёйилиб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт Араб халифалиги тартиб-қоидаларига бутунлай бўйсундирилган эди.

Бу ҳол ўз навбатида араб тили ва ёзувини Мовароуннаҳрда кенг ёйишига имконият яратиб берди. Аммо VIII аср охири IX аср бошларида бўйсундирилган халқларни мутлақ итоатда сақлаб туриш нафақат халифалик маркази маъмурларига, балки ўлкаларга тайинланган ноиб учун ҳам тобора қийинлаша бошлади.

**Маъмун академиясида Моварауннаҳрлик олимлар.** Араб халифалиги тарихида Аббосийлар сулоласи(750-1258 й) даври алоҳида ўрин тутади. Хусусан халифа Хорун ар-Рашид (786-809 й) ва унинг ўғли ал-Маъмун (813-833й) даврларда Боғдодда илм-фан юксалди, юнон олимларидан Афлотун (Платон), Арасту (Аристотел), Суқрот (Сократ), Букрот (Гиппократ), Жолинус (Гален), Иклидус (Евклид) кабиларнинг асарлари араб тилига таржима қилиниб, христиан ва ислом олимлари ўртасида ҳамкорлик амалга оширилди. Хорун ар-Рашид ташаббуси билан Бағдодда илмий Марказ-Академия («**Байт ул-Хикма**»)-ташкил

этилиб, унга барча мусулмон ўлкалари, жумладан Ўрта Осиёдан ҳам олим ва фозиллар тўпланди. Бу марказда Моварауннаҳр ва Хуросондан келган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Марвозий, Марварудий, Жавҳарий каби олимлар Бағдод академиясини жаҳонга машҳур бўлишида катта ҳисса қўшдилар. Моварауннаҳрда араб ҳалифалигини ҳукмронлигини ўрнатилиши ҳамда ислом динининг кенг ёйилишининг ижобий томонларидан бири шуки, Бағдоддаги илмий академиядан ўрнак олиб Хоразмда ҳам X асрда Маъмун академияси вужудга келди ва унинг аъзолари бўлмиш ўз даврининг олиму-донишмандлари ўз ижодлари билан Моварауннаҳрни дониши оламга ёйдилар. Шунингдек ўлкамиз ҳудудидан ислом дунёсининг энг мўътабар шахслари, ҳадисшунослари етишиб чиқдиларки, уларнинг номи Ҳозирги кунгача ҳам дунёвий, ҳам тасаввуф илмининг юқори поғоналарида турибди.

**Хоразмда Маъмун академияси.** Маълумки, узоқ ўтмишга эга бўлган Ўрта Осиё халқлари тараққиёти тарихи ўз бошидан турли воқеаларни, юксалиш ва орқага кетиш давларини бошдан кечирди. Шубҳасиз, бу давларнинг барчаси тарихда ўзининг маълум изини қолдирди. Хусусан илм-фан маданиятимиз тараққиётида IX—XII асрлар даврининг ўрни беқиёсдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Шах Маъмун ибн Муҳаммад X аср охирларида жанубий ва шимолий қисмларга бўлинган Хоразмни ягона бир марказга бирлаштирди. Маъмун айниқса пойтахт Гурганни Шарқнинг энг йирик илмий-маданий марказларидан бирига айлантирди. Маъмун Гурганда «**Байтул хикма**» (Донишмандлар уйини) ташкил қилди. У Маъмун академияси деб ҳам аталди. Бу масканда улуғ мутафаккирлар Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ибн ал-Ҳаммар, Абу Сахл Масихий, Ибн Ирок, Аҳмад Фарғонийлар ижод қилдилар. Шунингдек улар орасида Шарқнинг кўпгина мамлакатларидан келган улуғ алломалар ҳам бор эди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Хоразм академиясини тиклаш ва уни ривожлантириш ҳақидаги 1997 йилда эълон қилган махсус Фармони ўша давр илм-фан тараққиётини тан олиншининг яна бир тимсолидир. Бу давр Ўрта Осиё халқларини дунё миқёсида машҳур қилди. Чунки Ўрта Осиё халқларининг бу даврда қўлга киритган маданий ютуқлари, илм-фан соҳасидаги янгиликлари дунё маданияти, илм-фан ривожининг ажралмас халқасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу давр Ўрта Осиё халқлари тарихида уйғониш (ренессанс) даври деб қабул қилинди. IX - XII асрлар даври хусусида гап кетар экан, бу вақтга келиб Марказий Осиё ҳудудларида араб ҳалифалигининг таъсири бир мунча пасайиб, бу ҳудудларда бирин-кетин мустақил туркий давлатлар ташкил топа бошлаганди. Улар Тоҳирийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатларидир.

Биз қуйида яна шу юксалиш даврининг буюк вакиллари, ижодкорлари ҳамда улар яратган илмий-маданий мерос ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўрта Осиёлик мутафаккир олимлар ҳақида маълумотлар.

Абу Абдулло Муҳаммад Ибн Мусо ал - Хоразмий.(783-850йй) Буюк мутафаккир ва олим ал-Хоразмий Хивада таваллуд топган. Ёшлигидан илм-фанга, айниқса табиий фанларни ўрганишга қизиқди. Араб, форс, хинд, юнон тилларини мукамал ўрганди. Ўқиган, ўрганганлари асосида, табиатнинг берган

буюк иқтидори билан бир неча фанларга доир йирик, қимматли асарлар яратди. Унинг арифметика ва алгебрага доир «Китоб ал-жабр вал муқобала» (Тўлдириш ва қарама-қарши қўйиш ҳақида китоб) асари математика фанида янги даврни бошлаб берибгина қолмай, балки унинг кейинги асрлардаги тараққиётига ҳам катта асос бўлди. Ал-Хоразмийнинг иккинчи математикага оид асари «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб» бўлиб, бу асар туфайли аввал Шарқ халқлари, сўнгра эса Европа халқлари ҳам Қадимий Ҳиндистоннинг катта ютуғи-ўнли позицияси ҳисоблаш системаси билан танишдилар. (XII асрда лотин тилига ўгирилган). Ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-ард» (ернинг сурати) асари географияга, «Астрономик жадваллари» астрономияга оид бўлиб, улар муаллифнинг номини жаҳонга ёйди. Шунингдек, «Куёш соатлари тўғрисида рисола», «Тарих рисоласи», «Устурлаб ҳақида рисола», «Муסיқа рисоласи» сингари ажойиб асарлари олимга катта шухрат келтирди, унинг номини абадийлаштирди. Ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал муқобала» асари кейинчалик Европада «Алгебра» деб юритила бошланди. Унинг астрономияга оид асари эса фақат Шарқда эмас, балки Ғарбда ҳам астрономия фани ривожига катта роль ўйнади.

1983 йилда халқимиз буюк алломанинг 1200 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлади.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Ал-Фарғоний. Ал-Фарғонийнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар тарихда кам сақланиб қолган. 861 йилда вафот этган. Астрономия, математика, геодезия, гидрология фанларининг билимдони Фарғона заминиде туғилиб ўз илмий-маданий заковати билан Бағдоддаги биринчи Маъмун академиясигача борган (иккинчи Маъмун академияси Хоразмшоҳ Маъмун академияси эди). (Ал-Фарғоний, Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий билан бирга бу академиядаги олимларга раҳбарлик қилишган. Фарғоний араб илмий атамашунослигини вужудга келишига ва ривожига катта ҳисса қўшди. Бағдод ва Дамашқдаги расадхона қурилишларида фаол қатнашди ва у ерда Птолемейнинг «Юлдузлар жадвалидаги» маълумотларни текшириш ишларини олиб борди.

Ал-Фарғоний астрономияга оид «Астрономия негизлари» асарида астрономияга оид билимларни тартибга солди, ўзининг янги натижалари билан бойитди. Ўша давр анъанасига мувофиқ мамлакатларни етти иқлимга бўлиб урганди. Куёш соатларини баёнини берди, астрономик асбоблари яратди. Фарғонийнинг бу асари Н.Коперник даврига қадар Европада астрономия фанидан асосий қўлланма сифатида фойдаланилди.

Ал-Фарғоний 25 ёшидан Маъмун академиясига бориб, у ерда салкам 50 йил ҳалол меҳнат қилди. Маъмун даврида Бағдодда ташкил этилган кутубхонада 400 минг жилд китоб мавжуд эди. Бағдод академиясида Ал-Фарғоний билан биргаликда хоразмлик Мусо ибн Шокирнинг ўғиллари Аҳмад, Муҳаммад ва Хасан ибн Мусо ака укалар номларини ва уларнинг илмий натижаларини ҳам кейинчалик Беруний ўз асрларида хурмат билан тилга олади.

Фарибдан Бағдод академиясига бориб астрономия ва математика фанлари бўйича тадқиқотлар олиб борган Ал-Жавҳарий ҳам алоҳида ўринга эгадир. Аҳмад Фарғонийга араб илмий дунёсида «Хосиб» лақаби берилган яъни, уни

математика соҳасида тенги йўқлиги тан олинган. Европада Фарғонийни Алфраганус деб атаганлар. Шунини таъкидлаш керакки, 828 йилда Бағдодда 1-чи расадхона ишга туширилганда, уни марвлик фалакшунос олим Яхё ибн Абу Мансур бошқарган. 3 йил ўтгач Дамашқда ана шундай иккинчи расадхона барпо қилинди ва унга Марказий Осиёлик аллома Холид ибн Абдумалик Марварудий раҳбарлик қилди. Қизиғи шундаки ҳар иккала-расадхонани ҳам Ал-Маъмун илтимосига кўра лойиҳасини ва барча андозаларини қоғозга тушириш Аҳмад Фарғонийга юклатилган бўлиб, ушбу расадхоналарнинг вазифалари, ишлари, режалари ҳамда илмий натижаларини текшириб фанга киритиш ҳам илмий раҳбар Аҳмад Фарғонийнинг зиммасига тушди.

Халифа Мутаваккил (847-861) томонидан 861 йили Ал-Фарғоний Қохира яқинидаги Фустат *шаҳрига* Нил дарёси суви сатхини ўлчаш учун юборилади. Фарғонийнинг бу соҳада ясаган километр асбоби ҳозиргача сақланмоқда. Фарғонийнинг бой мероси, асарлари ҳозир Кохира, Лондон, Париж, Берлин кутубхоналарида сақланмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Фарғоний асарларининг билган кўп қисми ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. 1998 йил кузида мутафаккир қомусий олим, юртдошимиз, халқаро миқёсдаги етук олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик улкан тўйи мамлакатимизда, хусусан, у туғилиб ўсган Фарғона водийси диёрида кенг нишонланди, ажойиб зиёратгоҳ ташкил этилди ва олимга муҳташам ҳайкал ёдгорлик ўрнатилди.

Имом Исмоил ал-Бухорий (810-869 йй.) Буюк ҳадисшунос олим Бухорода таваллуд топган бўлиб, болалиқданок билимга интилиб, араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга кунт билан киришган. Кейинчалик Бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ал-Пойқандий, Абдуллох ал-Маснадийлардан ҳадис илмини чуқур ўрганиб кўп ҳадисларни ёд олган. 16 ёшларида онаси ва акаси билан сафарга отланиб Балх, Басра, Куфа, Боғдод, Хумс, Дамашқ, Миср, Макка, Мадина шаҳарларида бўлишиб машҳур ҳадис олимларидан илм олган. Маълумки, «ҳадис» муқаддас «Куръон» китобидан сўнг иккинчи ўринда туради. Имом Бухорий ҳаёти давомида 600 минг ҳадис тўплаб, улардан 7275 ҳадисни ўзининг 4 жилдлик «Ишонарли тўплам»ига киритди. Тўплам Миср ва бошқа кўп мамлакатларда чоп этилган. Ниҳоят бу тўплам 1991-1992 йилларда ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга тақдим қилинди. Ал-Бухорий ҳадислари ислом дунёсидаги юзлаб ҳадисчи олимларникидан алоҳида фарқ қилади ва шунинг учун ҳам «Ишонарли» тўплам дейилади. Ал-Бухорийнинг ислом диншунослигига оид 20га яқин катта ҳажмдаги асарлар ёзгани маълум. Унинг ҳадислари ва асарларининг диққат марказида диннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, тозалиги, донолиги, яхши ва ёмонни бир-биридан ажрата билиши каби ҳислатлари туради. Ислом дунёсининг йирик олими, ҳадисшуносликда энг юқори поғонага чиққан Имом Исмоил ал-Бухорийнинг 1205 йиллиги 1998 йил халқаро миқёсда тантанали нишонланди ва у вафот этган Самарқанд атрофидаги Челак шаҳрида ниҳоятда ҳашаматли зиёратгоҳ қурилди. Бу ерга жаҳоннинг турли жойларидан минглаб одамлар зиёратга келмоқдалар.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-894йй) Ислом дунёсида машҳур бўлган ҳадисчи олим Имом ат-Термизий Термиз яқинидаги Буг қишлоғида туғилган. 26 ёшдан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хижоз, Ироқ, Нишопур шаҳарларида машҳур муҳаддис олимлар билан учраша бошлади. Унинг буюк ҳадисчи олим бўлиб, етишишида Имом Исмоил ал-Бухорий устозлиги катта ўрин тутади. Умрини ҳадислар тўплашга бағишлаган Ат-Термизийдан катта илмий мерос, жумладан: «Китоби ал-Жомъе ас-сахих», «Китоб ул илм», «Китоби ат-Тамойили ан-Набавий», «Китоби аз-зухл», «Китобул исми вал хуна» каби асарлар қолган.

1990 йил септябрь ойида Тошкентда ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Исмоил ал-Бухорий ҳадислари каби Ат-Термизий тўплаган ҳадисларда ҳам тарбия, ахлоқ одоб, ота-она, ва фарзанд ҳақ-ҳуқуқлар, ҳалоллик, поклик, каби умуминсоний қадриятлар ва ахлоқ мезонлари асосий ўрин тутади.

Абу Абдурахмон ан-Насоий (830-915 йй) Моварауннаҳрлик ҳадисчилардан ан-Насоий ҳам Ислом дунёсида машҳур бўлиб Нисо (Ҳозирги Туркменистон) шаҳрида туғилган. Узоқ вақтлар Мисрда яшаган. Ҳадислар тўплаган. У «Ат-сунан ал-Кубро», «Ал-Мужтаба», «Ал-Сунан» номли ҳадис китобларини ёзиб қолдирган. Бу китоблар ислом диншунослар орасида ўзига хос обрuga эгадир.

Абу Наср ал-Форобий (873-950 йй). Ўтрорда туғилган, бошлангич маълумотни Шоҳ, Бухоро, Самарқандда олган сўнг Бағдодда узоқ яшаб, замонасининг олимлари билан илмий мулоқотда бўлган. Илмнинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ рисолалар ёзган. Юнон илмини, хусусан Аристотел меросини чуқур билгани ва уларни Шарқда ривожлантиргани учун Аристотелдан сўнг уни «Иккинчи муаллим» деб аташган. Унинг рисолалари риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, ахлоқшунослик, мусиқашунослик, давлатни бошқариш, айниқса фалсафа ва мантиқ илми масалаларига бағишланган. Аристотелнинг барча фалсафий асарларига шарҳ ёзган. Мусиқа назариясига бағишланган «Мусиқа ҳақида катта китоб» номли машҳур асари бу соҳа тарихига бағишланган энг дастлабки тарихий манбалардан биридир. У серқирра, қомусий олимдир.

Абу Райхон Беруний (973-1048 йй). Хоразмда таваллуд топган бу мутафаккир, серқирра олим астрономия, тарих, тиббиёт, риёзиёт, жуғрофия, геодезия, метеорология, этнография, фалсафа, филологияга оид 150 га яқин асарлар яратган. Бу асарлар Беруний номини жаҳонга таратди. Шунингдек, унинг хикоялар, шеърлар битганлиги ҳам маълум. Беруний Ўрта асрда биринчи бўлиб глобус яратди. У араб, форс, ҳинд туркий тилларни мукамал билган. Унинг «Фармоканазия», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Минерология», «Маъсуд қонуни», «қадимгихалқлардан қолган ёдгорликлар» асарлари ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. Махмуд Ғазнавий саройда ҳам хизматда бўлган. У Ибн Сино билан ҳам замондош эди.

Абу Али Ибн Сино (980-1037 йил) Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилиб ўсган Абу Али жаҳон маданияти, илм-фани хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сиймолардан биридир. У фалсафа, мантиқ рухшунослик, адабиётшунослик, шеърят, мусиқа, геология, минерология, физика, математика, тиббиёт, астрономияга оид юзлаб асарлар яратди. Абу Алининг илмий қизиқишлари доираси шу қадар кенг бўлганки, унинг 40 дан зиёд тиббиётга, 30 га яқин

астрономия ва табиатшунослик фанларига, 185 та фалсафа, мантиқ ва илоҳиётга бағишланган асарлар яратгани маълум. («Историография обшественных наук в Узбекистане». «Библиографические очерки» Т. «Фан» 1974 г. стр. 30 )

Қохиралик араб олими Шох ота Канавотийнинг «Ибн Сино таърифлари» асарида эса Ибн Синонинг 876 та кўлэзма асарлари рўйхати келтирилган. (А.Ирисов. «ҳаким Ибн Сино» Т. «Ўзбекистон» 1992 йил 82 бет). У ўзининг кўп жилдлик «Тиб қонунлари» номли генерал асарида Моварауннаҳрда ривожланган амалий ва назарий тиббиёт натижаларини умумлаштирган, уни қўшни Шарқ мамлакатлари тиббиёти билан бойитиб, бир бутун тизимга келтирган. Абу Али 800 га яқин дорини синчиклаб ўрганиб чиққан ва улардан унумли фойдаланиш тавсияларини берган. У ишлатган 396 хил ўсимликдан 165 таси ҳозирги замон тиббиётида қўлланилмоқда. 100 таси эса Собиқ Иттифоқ фармонологиясига киритилган. (А.А.Қодиров «Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши» Т. «Ибн Сино» нашриёти. 1990 йил 58 бет). Ибн Сино қомусий олим бўлиши билан бирга, иқтидорли шоир ва адиб ҳам бўлган. «Қуш рисоласи», «Саломон, ва Ибсол», «Юсуф қиссаси» асарлари ҳамда кўплаб ғазал, рубоий ва шеърый дostonлари адабиётимизда алоҳида ўринга эгадир. У мусиқага бағишланган 3 та алоҳида рисола яратиб, мусиқанинг инсон саломатлигини тиклашдаги таъсирини асослаб берган ва мусиқатерапия йўналишига асос солган.

## **2. IX-XII АСРЛАРДА АДАБИЁТ, МЕЪМОРЧИЛИК ВА ДИН РАВНАҚИ. ЎРТА ОСИЁЛИК БУЮК ИСЛОМШУНОС МУТАФАККИРЛАР.**

Бухорода қурилган Исмоил Сомоний қабри устига пишиқ ғишт билан қурилган гўзал мақбара. Бу бино тўртбурчак шаклида бўлиб, томи гумбаз қилиб ёпилган. Тўртбурчакдан найзали равоглар ёрдами билан саккиз қиррали шаклга ўтилган. Шу билан бирга бу бино тўрт фасадлидир. Унинг тўрт тала томони ҳам бир хил, олд томонидек безатилган. Одций қилиб айтганда, бинонинг олди, ёни ва орқа томони йўқ Ҳамма томони бир хилда безатилган. Исмоил Сомоний мақбарасини қуришда ва безатишда араблардаги ўша давр учун хос бўлган меъморий хусусиятлардан ҳам кўп фойдаланилган. Масалан, бинонинг ташқи бурчакларига устунлар ўрнатиш. Бино ичидаги бундай шаклдаги, шунингдек, думалок манзарали майдонлар ҳам исломгача бўлган ёдгорликларда учрайди.

IX-X аср меъморчилигининг ривожланиш йўлларининг сакланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, сомонийлар давридаги кўпгина масжидлар ўз вақтида арабларгача бўлган ибодатхоналарнинг масжидга мослаштириш асосида қурилган. Улар бир хонали бўлиб, масжиднинг томлари устунга таяниб турган. Масжидларнинг томи одатда гумбаз шаклида бўлган. Масжидларда, айниқса, меҳроблари шаклли, ёзувли қилиб қирқилган ғиштлар, ўйма ганчлар ва ҳатто тилла сувлар билан безатилган Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда, Бухородаги Мағоки Агторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шаҳристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда диний меъморчиликнинг ривожланиш йўлларини кузатиш имкониятини берди. Наршахийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад

Бухоро Регистонида ўзи учун катга сарой қурдирган ва унинг қурилишига кагга маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоят гўзал бўлган. Саройнинг олдида эса девонлар учун бинолар қурилган. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марв, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу саройлар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар кушманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган.

Саройларнинг гўзаллигини Термиз шаҳридаги сарой мисолида кўриш мумкин. Бу сарой тўлиқ очиб ўрганилган. Сарой шаҳар мудофаа деворларидан ташқарида, боғлар орасида жойлашган ва 10 гектарга «қин майдонни ишғол этган. Сарой мудофаа деворлари билан ўралган. Сарой ўзининг маҳобатлилиги, ссрҳашамлиги ва бағоят гўзал, нафис безаклари билан одамни ўзига жалб қилади.

Сомонийлар даврига оид шаҳар ва қишлоқ шохлисининг уйлари тўғрисида ҳозир археология анча маълумотларга эга. Бу борада қадимий Самарқанд - Афросиёб, Хорашкент - Канка, Бинкент, Термиз, Марв, Дахистон каби ўнлаб ёдгорликларда олиб борилаётган изланишларнинг натижаси диққатга моликдир. Афросиёбда бу даврга оид катта бир маҳалла очиб ўрганилган.

Сомонийлар даврида меъморчилик ўз тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритган. Ўрта Осиё меъморлари бу даврда шундай ноёб бинолар, санъат дурдоналари бунёд этганларки, улар асрлар оша одамларни ҳайратга солиб келмоқда.

Қорахонийлар Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг бу ўрдаги маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, шаҳарлар тараққий этди, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди. Шаҳарлар ривожланиши билан шаҳар шохлиси сони ҳам кўпайиб борди. Сомонийлар Люридаёқ йирик шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв қорахонийлар даврида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли - арк, шаҳриетон, Шботдан иборат шаҳарларга айланди. Уларда янги-икки ҳашаматли иморатлар пайдо бўлди. Бу иморатлар У5 тузилиши ва нақшлари билан ажралиб туради.

Абулқосим Фирдавсий (942-1020 йиллар). Эроннинг Туе шаҳрида туғилган. Араб ва форс адабиётини яхши билган. Бутун умрини Эрон шохларининг афсонавий қаҳрамонларига бағишланган катта эпик асар «Шохнома» ни яратишга сарфлаган. Асар дунёни кўпгина тилларида нашр қилинган. Фирдавсий ўз «Шохнома» си билан ўзига абадий ҳайкал яратиб кетган ва авлодлар ташаккурига сазовор бўлган. Асар Ғазнавийлар шохи Маҳмуд Ғазнавий томонидан муносиб тақдирланмаган. Фирдавсий умрининг охиригача фақирликда яшаб ўтган буюк сиймодир.

IX-XII асрлар Марказий Осиё маданияти ривожига назар ташлар эканмиз, бу даврда тасаввуф (софизм) таълимотлари маданиятнинг, маънавиятнинг барча томонларига кириб борганлигини кузатиш мумкин. Сўфизм шахсий эркинлик, ўз хоҳиши билан тозаланиб Оллоҳга руҳий маънавийликка сингиш орқали эришишга асосланади. Тасаввуфда руҳни камолотга ва уни сўнгги мақсади - Оллоҳга эришув йўллари 4 босқичдан иборатдир: 1) Шариат. 2) Тариқат. 3) Маърифат. 4) Ҳақиқат.

Сўфизм назарийетчилари, олимлари ўз даврининг билимини пухта эғаллаган, илмлардан хабардор, билимдон-мутафаккирлар бўлган. X асрдан бошлаб суфизм

ғоялари Ўрта Осиё шаҳарларида ҳам тарқала бошлаган. Виз қуйида ушбу йўналишга содиқ қолган ҳолда ўз ижодлари билан дунёга танилган баъзи мутафаккирлар ҳақида фикр юритамиз.

Аҳмад Яссавий (1105-1165 йиллар) Ясси (Туркистон шаҳрида руҳоний шаҳрида туғилган.) Отаси Иброҳим Саъй Ром шаҳрида кўп йиллар шайхлик қилган. Аҳмад Яссавий асли келиб чиқиши Тошкентдан бўлган машҳур турк машойихи Арслонбоб Тошкандийдан таҳсил олган. Унинг вафотидан сўнг Юсуф Ҳамадонийдан илм ўрганган. Яссавийдан бизгача етиб келган ягона мерос - бу унинг «Девони хикмат» идир. Унда Яссавийнинг сермазмун хикматлари, муножатномаси, «Фақрнома». рисоласи ўз аксини топган. Аҳмад Яссавий тасаввуфда Яссавия тарикатига асос солди.

Сулаймон Бакиргоний (1186 йилда вафот қилган). Аҳмад Яссавийнинг муносиб шогирди, унинг ишини давомчиларидан биридир. Хоразмнинг Бакиргон деган жойида туғилган. Туркий халқлар орасида ҳақим ота лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Унинг дин ва тасаввуф, ишқ ва ахлоқдан сабоқ, берувчи асарлари бутун Туркистон ҳудудларида севиб ўқилган. Унинг «Бакиргон китоб» номли йирик асари кейинги йилларда ўзбек китобхонларига ҳам етиб келди.

Нажмиддин Кубро (1145-1221 йиллар). Шоир ва олим. Ўрта Осиёдаги йирик суфийлик оқими - Кубравиянинг асосчиси. Хивада туғилган. Ўрта ва яқин Шарқ ўлкаларига, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ҳудудларига кенг тарқалган оқимдир. У ўзининг қатор рисоаларида Кубравия биродарлиги қоидаларини ишлаб чиқарган Нажмиддин Кубро 76 ёшида Урганчга хужум қилган Мўғулларга қарши лашкар тўплаб чиқибхалқни хужумга бошлаб борган. Навоийнинг «Насаиул-муҳаббат» асарида ёзилишича, рақиблар Кубронинг қўлидан душман томондан тортиб олинган байроқни чиқара олмай, унинг бармоқларини битталаб кесишган экан.

Шу тариха марказий Осиё халқлари ҳаётидаги улуғ бурилиш, яъни уйғониш-даври (IX-XII асрлар) ушбу замин дунё халқлари тараққиётига жуда улкан ҳисса қўшган турли соҳа мутафаккирларини, олимларни, донишмандларни етказиб бердики, улар яратган илмий, маданий, маънавий мерос кейинги авлодлар тараққиётига ҳам улкан пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Бу даврда ислом таълимотига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий каби кўплаб уламолар етишиб чиқдилар. Улар шу кунга қадар ҳадис илмининг энг кўзга кўринган, бутун мусулмон дунёси юмонидан тан олинган алломалари даражасига арилган зотлардир.

Имом Бухорний (809-870 йй.) Бухорода туғилиб, шу ерда биринчи билимларни олади. Сўнгра билимини Иада чуқурлаштириш мақсадида Макка, Мадина, Бвғдод, Дамашқ, Куфа, Нишопур каби шаҳарларга й<фади. Манбалардан бизга маълумки, Имом Бухорий нслом дини масалаларига бағишланган 20 га яқин асар |зган. Шу китоблар орасида Бухорийнинг бутун дунёга м.нихур қилган асари «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» («Ишончли фшам») дир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 [рбни ўз ичига олади. Бухорий ҳадисларини тўплаш ва баён этишда унинг ҳақиқийлигига асосий эътибор берган, унинг ҳақиқатга яқинлигини исботловчи далилларни келтирган ва шу асосда ҳадисларни классификация қилган олимдир. Унинг диққат

марказида фаннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий кўсалиши, фозиллиги, донолиги, яхши ва ёмонни ажрата олиши туради. Умрининг охирида у ўз Ватанига қайтиб келади ва Самарқанд яқинида вафот этади. Мустақиллик йилларида бу улўғ бобокалонимиз руҳини шод этиб, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан унинг вафот этган жойида улкан мажмуа-бино барпо қилинди. Ҳозирда у жой нафақат мамлакатимиз фуқароларини, балки бухун мусулмон дунёси аҳлининг зиёратгоҳ жойига айланган.

**Имом ат-Термизий (824-892 йй.)** Термиздан унча узок бўлмаган Буғ қишлоғида туғилган. У ҳам Бухорий сингари Шарқнинг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. Ат-Термизий ҳадислардан ташқари филология, тарихга оид асарлар ҳам ёзди. Унинг 10 дан ортиқ ёзган асарлари орасида номини бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари «Жоме ат-Термизий» ёки «Сунан ат-Термизий»дир. Бу асар ислонда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машҳур ҳадислар тўпламидан биридир. Термизийнинг илмий мероси диний аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, ахлоқий, дидактика тарихида ҳам жуда катта ўрин эгаллайди.

Ислон динининг мамлакатда асосий дин сифатида тан олинishi, бошқа диний эътиқодларнинг оёқ-ости қилиниши, меҳнаткаш халқ оммаси турмуш тарзининг оғирлашиши улар орасида уларни юлатишга, оғирлигини енгил қилишга ёрдам берувчи ғояни қидиришга мажбур қила бошлади. Бу ғоя тасаввуф ғояси бўлди.

**Тасаввуф, яъни сўфийлик** ислон дини асосида шаклланган диний-фалсафий оқим бўлиб, покланган, зоҳид, тақводорлик маъносини англатади. Унинг асосида бу дунё лаззатларидан воз кечиш асосида Оллоҳга етиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини қидириш ётади. Сўфийлик, Қуръон ва шариат талабларини албатта сўзсиз бажариш, ўзини Худонинг қули деб билиш кабилар, ўз хоҳиши билан тозаланиб, Оллоҳга, руҳий маънавийликка сингиш орқали эришишга асосланади. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

Тасаввуфда руҳни камолотга, унинг сўнгги мақсади Оллоҳга эришув йўллари тўрт босқичдан иборат: биринчи босқич - ШАРИАТ деб аталади, унда авваламбор, шариатнинг барча талабларини бажариш ва унга бўйсунуш талаб этилади. Иккинчи босқич — ТАРИҚДТ деб аталади. Унда мурид ўз шахсий истакларидан воз кечиш, ўзини пир ихтиёрига топшириши керак. Учинчи босқич — МАЪРИФАТ бўлиб, унда сўфийлар коинотнинг бирлиги Худода мужассам бўлишини, олам Худонинг эманциясидан, нурланишидан вужудга келишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбатини ақд билан эмас, қалб орқали англаб олишлари керак бўлади. Тўртинчи босқич ҲАҚИҚАТдир. Бунда сўфий шахс сифатида тугаб, Худого - мўлжалланган ҳақиқатга етишиши, Оллоҳга сингиб кетиши ва натижада абадийликка эришуви зарур. Бу жараён маълум давомли вақтни талаб этган. Махсус руҳий жисмоний ҳаракат, фаолият, сиғиниш, ибодатлар, оҳанглар ёрдамида амалга оширилган.

Тасаввуфнинг ижтимоий асоси шаҳарлардаги хунармандлар, майда савдогарлар бўлган. 1X-X асрлардаёқ Ироқ ва Эронда унинг йирик вакиллари вужудга келади. Мовароуннаҳрда эса тасаввуф таълимоти X асрдан бошлаб ёйила бошлади. Ҳозирги Ўзбекистон худудида тасаввуфнинг ривожланишида **Юсуф Ҳамадоний таълимоти** муҳим рол ўйнайди. Манбаларда қайд қилинишича, Юсуф Ҳамадоний 1043-1049 йилда

Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилади. Дастлабки билимларини Ҳамадон ва Бағдодда олади. Имом Ғаззолий каби буюк алломаларни тарбиялаб вояга етказган шайх Абу Али Фарсадийга шогирдликка тушади. Юсуф Ҳамадоний умрининг катта қисмини Ўрта Осиёда ўтказган. У ҳунармандчилик-қосибчилик билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, унинг таълимоти асосан ҳунармандлар орасида кенг тарқалган ва уларнинг манфаатларини ифодалаган. Юсуф Ҳамадоний сўфийлик илми бўйича кўплаб шогирдлар тайёрлади. У Бухорода махсус хонақо қурдириб, ўша ерда шогирдларга дарс берган. Ҳамадоний таълимотида ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган. Уни пир билган шогирдларидан 213 таси машҳур шайхлар бўлиб етишган эканлар. Ҳамадоний таълимотидан Ўрта Осиёда икки тасаввуф мактаби - Яссавийлик ва Нақшбандийлик келиб чиқади.

Ўрта Осиё ҳудудида биринчи вужудга келган сўфийлик оқими Яссавийликдир. Бу оқимга 1105 йилда Ясса (Туркистон) шаҳрида туғилган Аҳмад Яссавий асос солган. Аҳмад Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олгач, яна она шаҳри Туркистонга қайтиб келади ва шогирдлар тарбияси масаласи билан шуғулланади. Мадраса ва хонақолар қурдиради. Яссавий таълимотининг асослари туркий тилда ёзилган «Девони ҳикмат» асарида баён этилган. У ўтроқ ва кўчманчи туркий халқлар орасида сўфийлик таълимотини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этган.

Яссавий тариқатининг бошқа тариқатларда бўлганидек, ўзига хос қоидалари бор. Улар: 1. Мурид ҳеч кимсани ўз шайхидан афзал кўрмаслиги, унга мутлақо таслимиёт изҳор этмоғи лозим. 2. Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, то ўз шайхининг барча румуз ва ишораларини мукамал англай олсин. 3. Шайхининг барча аҳволи (сўзлари) ва аъфолари (ишлари) га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо муте ва мўтақид бўлмоғи лозим. 4. Мурид ўз муршиди (пири) нинг барча топшириқларини чакқонлик билан сидқидилдан бажариб, уни ҳамиша рози қилиб юрмоғи лозим. 5. Мурид ўз сўзига срдик, ваъдасига росиқ бўлиб, ўз муршиди кўнглида ҳеч қандай шаку-шубҳа туғдирмаслиги зарур. 6. Мурид ўз ваъдасига вафодор ва сўзида устувор бўлиши керак. 7. Мурид ўз ихтиёридаги "арча мол-мулкни, бутун бору-йўғини ўз шайхига нисор (бахшида) этмоқ учун доимо тайёр бўлмоғи керак. 8. Мурид ўз шайхининг барча сир-асроридан огоҳ бўлиб, унинг ифшосини (ошкор этишни) ҳеч вақт аёлига келтирмаслиги керак. 9. Мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутмоғи, унинг мушкулотини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт. 10. Мурид Оллоҳ висоли учун ўз шайхи йўлида бутун моли ва жонини нисор этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

Аҳмад Яссавийнинг фикрича шариатсюз тарнқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат бўла олмайди. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Бу йўл камолот йўли бўлиб, инсон ҳаётининг асл моҳиятини ташкил этади.

Нажмиддин Кубро (1145-1221 йй.) — тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиёдаги йирик вакилларида бири. Сўфийликдаги Кубровия оқимининг асосчисидир. Хивада туғилиб, Миср, Табриз ва Ҳамадонда илм олган. Кўхна Урганчга қайтиб, ўз таълимотини ривожлантириб, шу ерда янги сўфийлик оқимига асос солади. У

«Фавоих ал-Жамол ва фовотих ал-Жалол» («Жамолининг муаттарлиги ва камолотнинг эгалари»), «Ас-усул ал-ашара» («Ўнта қонун ■ қоидалар») номли қатор рисола ва зсарлар ёзиб, ў) таълимотини такомиллаштиришга эришди. Кубровия тариқатининг асосини 10 тадан иборат қонун~қоидал;||> ташкил этади. Уларга асосан «тавба», «зуҳд» («мол- дунёдан воз кечиш»), «таваккал» («Оллоҳ йўлида»), «қаноат», «узлат», «доимий зикр», «таважжуз», «сабр», «мувоқабат» («камолот топиш») ва «ризо» (халққа гтишиш) каби қоидалар киради. Кубровия тариқати Яссавия тариқатидан фарқ қилиб, тарки дунёчилик рад қилади. Унда камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш кераклиги илгари сурилади. Бу таълимотда ватанга, халққа бўлган муҳаббат ғояси ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай оғир шароитда ҳам халқ билан бирга бўлиш, ватан ҳимояси учун курашиш, унинг мустақиллигини сақлаш черурлиги даъват қилинади. Уз ғоясига содиқ Наж-миддин Кубро ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлди ва жасорат намунасини ўз муридларига кўрсата олди.

### **3. ТЕМУР ДАВРИ МАДАНИЯТИ.**

Темур ва темурийлар даврида ўлкамизда фан ва маданият барқ уриб ўсди, ривожланди ва камол топди. Фан, маданиятнинг қайси бир соҳаси, қайси бир тармоғини кўздан кечирмайлик она диёримиз XIV ва XV асрларда жаҳон цивилизациясининг энг олдинги қаторларидан жой олганлигининг гувоҳи бўламиз. Темурийлар сулоласи даври жаҳон фани ва маданиятининг Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурахмон Жомий, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Бехзод каби улуғ вакилларини етиштириб берди. Улар ўз бебаҳо асарлари билан нафақат ўзбек халқининг буюк сиймолари қаторидан, балки жаҳон миқёсидаги алломалар қаторидан муносиб ўрин олдилар.

Амир Темурнинг ўзи ўқимишли, саводхон ва маърифатпарвар инсон бўлган. Темурни “саводсиз бўлган” дегувчилар даъволарининг ҳеч қандай мантиқий асоси йўқ Фақат ўқимишли, саводли ва маърифатпарвар инсонгина олиму-уламо ва зиеларнинг юрт ва эл фаровонлиги, ҳамда маданий жабҳадаги қадрини билади.

Амир Темур Самарқандда ўз салтанатининг қўрғони - Арк қалъа ва ундаги бетакрор ва гўзал биноларни қурдирганки Кўксарой ва Бустонсарой деб элда машҳур бўлган бу бинолар шаҳарнинг кўрки ҳисобланган.

Улуғ соҳибқирон Ҳиндистон сафаридан қайтгач, унинг фармони билан Жомеъ масжиди қурилиши бошланди. Жомеъ масжид қурилишига Темурнинг шахсан ўзи кизиққан ва жангу – жадаллар билан банд бўлсада, уни эътибордан кочирмаган. Жомеъ масжиди ўз вақтида битказилади ва айни пайтда Темурнинг энг севимли катта хотини Сароймулкхоним (“Бибихоним”) Жомеъ масжиди ёнида бунёд этилган жозибали ва улуғвор муҳташам мадраса қурилишини бошлаб юборган эди.

Ибн Арабшоҳ гувоҳик беришича, қурувчилар мадраса дарвозаси ва деворларини Жомеъ масжидига нисбатан баланд кўтардилар. Натижада Мадраса асоси жомеъ масжиди асосидан мустаҳкам баландликда Жомеъдан юқори бўлади

1404 йилнинг кузида Темур харбий сафардан қайтгач мадраса ва Жомеъ масжидини томоша қилар экан, унинг назарида масжиднинг пештоқи мадрасага нисбатан тор ва паст кўринди. У ғазабга тўлади ва Жомеъ масжиди бош пештоқини бузиб ташлаб, бошқатдан қуришга фармон беради. Жомеъ масжиди кенгайтирилади ва пештоқи баланд кўтарилади. Қайта таъмирлаш ишларини Амир Темурнинг ўзи шахсан назорат остига олади. Бу масжид Самарқанддаги энг хашаматли ва гўзал обидалардандир.

Дунёнинг турли бурчакларидан тинимсиз Самарқандга оқиб келаётган саёҳатчиларни Жомеъ масжидининг меъморий маҳорати ва санъати асрлар утсада, ҳамон ўзига мафтун этмоқда.

Амир Темур машхур Шоҳизинда қабристонини ҳам ўзининг ўткир зехни ва зийрак эътиборидан четда қолдирмади. (“Шоҳизинда” – “Тирик шоҳ” маъносини беради). Бу ансамбл Афросиёбнинг жанубида, қабристондаги мақбаралардан иборат. Ушбу мақбараларнинг қадимийси - Қусам ибн Аббос мақбарасидир.

“Шоҳи зинда” ансамблида Темур ва Темурийлар қурдирган мақбараларнинг сони 20 дан ошади.

Амир Темурнинг хаётлиги чоғида қурилган мақбаралардан бири - Туркон оға мақбарасидир. Туркон оға - Амир Темурнинг опаси бўлган. Мақбара эса 1370-1371 йилларда вафот этган Туркон оқанинг қизи учун қурилган. 1383 йилда Туркон оқанинг ўзи вафот этади ва шу ерга кўмилади.

1376 йилда Амир Темурнинг саркардаларидан бири - Амир Ҳусайннинг онаси Туғли Текин, 1385 йилда Амир Темурнинг синглиси Ширин бека оқа мақбаралари қурилган. “Шоҳизинда” ансамблида Амир Темурнинг хотинлари томонидан қурилган мақбаралар ва бошқа бинолар ҳам каттагина ўринни эгаллайди. Амир Темур даврида қурилган ва доврўғи оламни тутган тарихий обидалардан яна бири бу “Гўри амир” мақбарасидир. Бу мухташам бинонинг қурилиш тарихи бор. Амир Темур набираси Муҳаммад Султонни (Жахонгирнинг ўғли) жуда севарди. Муҳаммад Султон 1403 йилда 19 ёшида турклар билан бўлган жангда фожеали халок бўлади. Уни Самарқандга олиб келиб дафн маросими ўтказадилар. Амир Темур 1404 йил кузида сафардан қайтгач, набираси Муҳаммад Султон хотираси учун мақбара қурдиришга фармон беради. Ушбу фармонда мақбарани 10 кун давомида қуриб тугаллашга буйруқ берилган. Хақиқатда мақбара 10 кунда батамом қуриб битказилади. Бундай хашаматли катта ва баланд бинони 10 кунда қуриб битказиш ақлга сиғмайдиган бир воқеа бўлиб, Амир Темурнинг куч -ғайрати нималарга қодир эканлигини намойиш этган. Амир Темур ана шу ерда Муҳаммад Султон мирзонинг хотирасига ва Оллоҳ йўлига атаб катта худойи маросимини ўтказди. 1405 йилда Амир Темур касалланиб вафот этгач унинг ўзи ҳам шу ерга неварасининг ёнига дафн этилади ва мақбара Гўри Амир мақбараси деб ном олади. Шундан сўнг ушбу обида Темурийлар сулоласининг хилхонасига айланади. Унда Муҳаммад Султон мирзо, Амир Темурдан ташқари Соҳибқироннинг ўғиллари Умаршайх, Шоҳруҳ ва Мироншоҳ, набираси Мирзо Улуғбек ва Темурнинг пири Сайид Баракаларнинг қабрлари бор. Амир Темур вафоти олдидан

Ўзининг пирининг оёқ томонига қўйишни васият қилган эканлар. Васият бажо этилган.

Амир Темур моддий мерослари узоқ йиллар давомида талон-тарож қилинди ва хўрланди, топталди. Хусусан, чор Россияси мустамлакатчилик зулми ва қизил империя ҳукмронлиги даврида улуғ соҳибқирон томонидан яратилган бойликлар турли йўллар билан юртимиздан чиқиб кетди. Уларнинг кўплари Россиянинг давлат Эрмитаж музейида сақланмоқда қисми эса чет элларга олтинлар ҳисобига сотиб юборилган.

Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг кўркем ва гўзал шаҳарларидан бирига-ер юзининг сайқалига айлантиришни ўзининг вазифаси деб билди. Улуғ бобомиз даврида Самарқанд атрофида бир қанча манзилгоҳлар тузилиб, жаҳондаги йирик давлатларнинг пойтахтлари номлари берилди: Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Шероз, Султония, Париж ва ҳ.з. Париж кейинчалик халқ талаффузида Фориш деб юритилади.

220 гектарни эгаллаган биргина Афросиёбнинг ўзида Амир Темур ҳукмронлиги даврида 80 га яқин ҳаммом, қулай ва гавжум 5 та бозор бўлган. Тарихчи сайёҳ Ибн Ҳаққулнинг ҳикоя қилишича, Самарқандда “оқар сув кирмаган бирор кўча, бирор ҳовли деярли йўқ, эди”. Одамлар кўчаларда, ариқларда оқиб ўтадиган тоза зилол сувларидан ичимлик суви ўрнида фойдаланганлар. Амир Темур пойтахти Самарқандни боғу-роғлар маскани билан ўраб олган ва бевосита соҳибқироннинг буйруғи. бир-биридан гўзал ўндан ортиқ боғ барпо этилган. Булар: Боғи нақши жаҳон, Боғи беҳишт, Амирзода Шохруҳ боғи, Боғи Бўлду, Дилкушо, Боғи Зоғон, Боғи Баланд, Давлатобод, Боғи Чинор, Боғи Нав, Боғи Жаҳонномадир.

Амир Темур яратган боғлар гўзаллигини, ундаги турли-туман мевалар таърифларини ва ер юзида мавжуд бўлган ҳайвонот дунёсию паррандалар тафсилотини таърифлашга қалам ожизлик қилади.

1404 йилнинг сентябрида жаҳонгир Темурнинг қабулида бўлган Испаниялик элчи Клавихо «Дилкушо боғи»да фавворадан сув отилиб турганлигини, боққа кириладиган кенг дарвоза юксак олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилганлигини, устига тахтиравон ўрнатилган олти фил борлигини ёзади». Самарқанд, Шахрисабз ва бошқа шаҳардаги қурилиш ва меъморчилик ишларида Шероз, Табриз, Исфаҳон, Хоразмдан кўплаб меъмор мусаввирлар ва бошқа хунармандлар ишлаган. Лекин асосий иш бошқарувчилар маҳаллий усталар ва меъморлар бўлган, биринчи галда уларнинг миллий анъана суратлар, санъат ижодлари етакчи ўринни эгаллаган. Дарвоқеъ Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда ҳали Темур ҳукмронлигида қурилган ва мавжуд бўлган ва шу кунларгача ҳам сақланиб келаётган тарихий обидалар ўлкамизда олиб борилган орхеологик қазилма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича ҳалқимиз қадим-қадимдан қурилиш ва меъморчилик санъатида ҳайраомуз ва ноёб қобилият эгалари бўлганлигини кўрамыз.

#### **4. УЛУҒБЕК АКАДЕМИЯСИ. А. НАВОИЙ МЕРОСИ.**

Мирзо Улуғбек Амир Темурнинг тўртинчи фарзанди Шоҳруҳнинг тўнғич ўғли бўлиб, 1394 йилнинг мартада Султония шаҳрида дунёга келган, онаси Гавҳаршод оға чигатой зодагонларидан бўлган Ғиёсиддин Тархоннинг қизи эди.

Ўн ёшга тўлган Улуғбек амакиси Муҳаммад Султоннинг қизи Оғабегимга унаштирилади. Оғабегим она томондан Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга бориб тақалар эди. Болалигидаёқ Улуғбек сарой хаёти ва тартиблари билан яхши танишиб олган эди.

Ўн беш ёшга тўлган Улуғбекни Самарқанд ҳокими деб эълон қилишади. Ёш бўлганлиги сабабли унга оталиқ тайинланади. У Шоҳмалик бўлиб икки йил мобайнида Самарқандни идора қилиб турган.

Улуғбек ўзининг давлатини мустаҳкамлайди, истилочилик юришлари олиб бормайди. Улуғбек давлатининг чегараси қарийб ҳозирги Ўзбекистон Республикаси сингари бўлган. Ундан ташқари уни тасарруфига Утрордан Сирдарё хавзасининг муайян қисмидан Сиғноқ шаҳрига қадар бўлган ҳудудлар ҳам кирган. XV аср бошларида, Улуғбек ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Дашти Қипчоқдан кўчманчи ўзбек қабилалари унинг давлати чегарасига икки йўналишда босиб кела бошлади. Бир йўналиш Амударё бўйлаб бўлса, иккинчиси Сирдарё йўналишида эди. Қуңғиротлардан бўлган суфийлар сулоласига қарашли ерлар Амир Темур давлати тасарруфида эди. Лекин 1406 йили Олтин Ўрда ҳокими Идику мазкур ҳудудни ўз қўлига киритиб олишга муваффақ бўлди. 1413-1414 йилларда Шоҳмалик Хоразм аслзодаларини ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлиб, у ерда Муборакшоҳ ҳамда унинг тарафдорларини хайдашга эришди. Ҳудди шу даврдан бошлаб Хоразм Темурийлар тасарруфига ўтди. Бу ернинг ҳукмдори эса Шоҳмалик бўлиб, у 1425-26 йилга, яъни вафот этгунига қадар бу мансабии эгаллаган. Кейинроқ унинг ўғли Иброҳим отасини вазифасини бажаришни ўз қўлига олади.

Улуғбекнинг Мовароуннаҳрдаги ички сиёсатига назар ташласак, у кўпроқ ўзининг бобосига таҳлид қилганини сезиш мумкин. Унинг отаси Шоҳруҳ хаддан зийёд тақводор ва динга қаттиқ хирс қўйган эди. Шоҳруҳни ҳатто мусулмон подшоси деб аташган. Улуғбек Ислом динига эътиқод қўйган булса-да, уни динга содиқ кишилар (яъни, ортодаксал дин пешволари) динсизликда айблаганлар.

Ички ислоҳотлар ичида Улуғбек киритган пул ислоҳоти ўша вақтда савдосотиқ ва пул муомаласини тартибга солишда катта аҳамият касб этган. 1428 йилда жорий этган бу ислоҳотнинг моҳияти шундаки, аввалги оғирлиги кам бўлган мис чақалар зарб қилиш ман этилиб уни ўрнига катта оғирликка эга мис чақа зарб қилинадиган бўлди.

Аҳолининг асосий қисми истеъмолчи бўлиб, айнан шулар учун. маҳсулотлар кенг ҳажмда ишлаб чшқарилган ва бу жараён мис тангаларни муомаласини тартибга келтиришни талаб этган. Улуғбек даврида ер солиғи XV асрнинг иккинчи ярмига нисбатан кам қилиб белгиланган. Отасидан мустақил ҳолда Самарқандни 40 йил бошқарган Улуғбек бошқарувда ва ҳуқуқ ишларида одил подшо сифатида иш олиб борди. Шу боис ҳам у аҳолининг эътиборини, ҳурматини қозонди.

**Улуғбек академияси.** Буюк Амир Темурнинг моддий-маданият бобидаги бунёдкорлик фаолияти унинг авлод-аждодлари, биринчи навбатда Улуғбек (1394-1449) ҳукмронлиги даврида давом эттирилди. Таниқли олим, тарих фанлари “доктори Ашраф Аҳмедов ўзининг 1991 йилда Фан” нашриётида чоп этилган “Улуғбек” рисоласида ёзади: “Улуғбекнинг энг хайрли ишларидан бири - бир вақтнинг ўзида 3 та шаҳарда: Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадраса яъни ўша даврнинг олий уқув юртини барпо этганлигидир. Самарқандда бунинг учун у бозор майдонини танлаиди ва 1417 йили бу ерда мадраса қурилишини бшлаб, уни 1420 йили тугатди...” “Самарқанддаги мадраса қурилган ерни у Регистон деб атаиди”.

Улуғбек мадрасасида 100дан ортиқ талаба истиқомат қилган ва Таълим олган. Мирзо Улуғбек доврўғини жаҳонга танитган улкан қурилишлардан яна биттаси 1420-1429 йилларда қуриб битказилган улкан ва ҳашаматли бино бу Улуғбек Расадхонасидир. Улуғбек бу расадхонани шу пайтгача бор бўлган барча расадхоналардан улуғ ва ҳар томонлама устун бўлишини ўз олдиға мақсад қилиб қўйди. “Биз қуратурғон расадхона барча жихатлар билан аш-Шаммосиядагидан ҳам, Қасиюндоғидин ҳам, Мароғадагидан ҳам кам бўлмаслиги лозим, деган”. Расадхонанинг бой кутубхонаси бўлиб унда қарийб 150 минг китоб сақланган. Расадхона этагида Мирзо Улуғбек бобоси Амир Темур анъанасига кўра иккита қурдирди. Уларнинг бирини Боғи майдон, иккинчисини чиннихона номи билан атади.

Улуғбек XV асрдаёқ Самарқандда, биринчи астрономик академияға асос солган сиймо сифатида дунёға ном таратди. Ҳақиқатдан, бу сўзлар ривоят ёки афсона эмас, балки жаҳоннинг улуғ алломалари томонидан тан олинган ҳақиқатдир. Улуғбек академиясини тан олган ва дунёға таратган киши бу Француз езувчиси Волтер (1694-1778) дир. Бўрибой Аҳмедов ўзининг (эссе) китобида Волтернинг қуйидаги сўзларини келтиради. “Транссаксонияда” (Моварауннаҳрда) унинг (Амир Темурнинг) урниға тахтға чиққан машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи академияға асос солди, ер қуррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузилишида иштирок этди”.

Чиндан ҳам Улуғбек томонидан қурилган расадхона ўз даврининг академияси бўлган.

Улуғбекнинг нечоғлиқ билимдонлиги ва маҳорати тўғрисида унинг ходими Ғиёсиддин Жамшид Коший 1417 йилда Самарқанддан отасиға ёзган хатида қуйидагиларни таърифлаган: “Оллоҳға ва неъматларға кўп шукрлар бўлсинким, етти иқлимнинг фармонбардори ислом подшохи донишманд кишидурлар. Мен бу нарсани одоб расмий юзасидан айтаётганим йуқ ҳақиқат шуки, аввало у кишим Қуръони Каримнинг аксарият кисмини ёддан биладилар”.

Улуғбек академиясида 1417 йилдаёқ дунёнинг турли мамлакатларидан тупланиб келган олимлар сони 100 дан ошиб кетди. Улар орасида адиблар, муаррихлар, ҳаттотлар, мусаввирлар, географлар бор эди. Хусусан астрономия ва математика соҳа олимлари шарафлироқ ва обрулироқ ҳисобланганлар.

Айниқса бу борада Улуғбек, Қози-Зода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Коший, Улуғбекнинг содиқ шогирди Али Қушчи, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофийлар энг салобатли ва нуфузли бўлганлар.

Улуғбек мадрасаси дарсхоналарида ўқув машғулотларини бошланиши, 1420 тўғри келади. Восифийнинг берган маълумотларига қараганда мадрасанинг 1-мударрислигига Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий тайинланган.

Мадрасада илоҳиёт илмлари (Куръон, Ҳадис, тафсир) дан ташқари риёзиёт, геометрия, илми-хайъат (астрономия), тиббий медицина, тарих, жуғрофия илми аруз, (поэзия) сингари дунёвий илмлар ҳам ўқитилган.

Мирзо Улуғбекнинг авлодларга қолдирган илмий мерослари - асрларига келсак, улар сони жиҳатдан кўп эмас. Уларнинг энг асосийси «Зиж» бўлиб, бу асар «Зиж Улуғбек», «Зиж Жадиди Кўрагоний» номлари билан машҳур. Ундан ташқари Улуғбек математикага оид «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», астрономияга тегишли «Рисолайи Улуғбек» (Ягона нусхаси Ҳиндистонда Алигарх университети кутубхонасида сақланади), тарих илмига бағишланган «Тарихи арбаъ улус» (Тўрт улус тарихи), ва мусиқа илмларини ўз ичига олган «Рисолайи дар илми мусиқа» (мусиқа илми ҳақида рисола) бешта рисола иборат.

Улуғбек «Зиж»нинг таркибига кўра, VIII-XI асрларда бошланган астрономик анъанани давом эттирган бўлсада, унинг илмий савияси ва поғонаси илгариги «Зиж»лардан анча юқори бўлган. Бу асар кириш қисми муқаддима ва тўрт мақоладан иборат. Улуғбек асарнинг кириш қисмида Куръондан оятлар келтириб, астрономик кузатишларнинг зарурлигини назарий жиҳатдан асосламоқчи бўлади.

«Зиж»нинг биринчи китоби эралар ва календарлар масалаларига бағишланган. Иккинчи китоб математика ва сферик астрономия муаммолари устида сўз боради. Ундан ташқари ана шу иккинчи китобда ва учинчи китобда синуслар ва тангенслар жадвали келтирилади. Китобнинг тўртинчи бобида Улуғбек эклиптикасининг (фалакул бурж) осмон экваторига оғиш бурчагининг миқдорини келтиради.

«Зиж»нинг учинчи китоби фақат астрономия масалаларига бағишланган. Бунда Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари ҳақида сўз боради. Улуғбек асарининг охириги туртинчи китоби асосан илми-нужумга бағишланган.

Улуғбекнинг «Рисолайи Улуғбек» асари ҳали ўрганилмаган. Умид қиламизки, ноёб асарнинг ўрганилиши Улуғбек ижодининг янги қирраларини очишга имкон беради. Буюк олимнинг «Тарихи арбаъ улус» (Тўрт улус тарихи) асарини Бўрибой Аҳмедов ва Наим Норкуловлар яқинда форс тилидан ўзбек тилига ағдардилар ва у «Шарқ юлдузи» ойномасининг 1993 йилнинг 1- сонидан чоп этилди. Унда Туркларнинг авлод-аждоқлари муғул қабилалари ва Чингизхон вафотидан кейин ташкил топган Улуғ юрт, Жўжи, Чифотой ва Элхонийлар улусининг қисқача тарихи берилган.

Улуғбек академиясининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Ғиёсиддин Жамшиддир. Улуғбек билан ҳамнафас ижод қилган Жамшид «Зиж Ҳоқоний», «Боғлар сайри», ва «Осмон нарвони», математикага бағишланган: «Хорда ва синуслар ҳақида рисола», «Ҳисоб калити» ва «Доира ҳақида рисола» асарларини ёзган.

Мирзо Улуғбекнинг яна бир сафдоши Қозизода Румийдир. Улуғбек уни устозим деб эъзозлайди. Зеро, Румий 1360 йилга яқин туғилган бўлиб, 20-25

ёшлар атрофида, яъни Улуғбек туғилмасдан илгари Самарқандга келган ва Темур саройига ўтган. Шу боис Улуғбек Қозизода Румийнинг Мавлоно Аҳмад каби замонасининг буюк астрономлари таъсирида шаклланди ва унинг бу фанларга қизиқши ортиб борди.

Улуғбек даври алломаларининг истеъдодли вакилларида яна бири Улуғбекнинг ишончли ва шогирди Али Қушчидир. (1403-1474), Улуғбек Али Қушчи Самарқандийни йиллари Абдулатиф ва Абдулазизлардан азизроқ ва қадрлироқ ҳисоблар ва «фарзанди анжуманд» дер эди. Али Қушчи замонасининг Птоломейи деб ном олган эди. Унинг астрономия, арифметика, ва алгебрага оид 6 та асари бор. Али Қушчи фалсафа илмининг катта билимдони бўлиб, бутун дунё моддий заррачалардан ташкил топган деб ҳисоблар эди.

1449 йилда Улуғбекнинг фожеали ўлиmidан сўнг у тузган академия ҳам тарқалиб кетди. Али Қушчи ҳам Самарқанддан Табризга, у ердан 1473 йили Истанбулга кўчиб борди. Туркия султони Муҳаммад Фотих уни катта ҳурмат ила қарши олди. Али Қушчини Сўфия мадрасасига бош мударрис этиб тайинлади. Али Қушчи бу ерда расадхона курдирди. «Зиж»ини Туркияга тарқатди. Туркия орқали яқин форсий ва 15дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Улуғ олим Али Қушчи 1474 йил 17 декабрда оламдан ўтди. Шундай қилиб Мирзо Улуғбек жахон фани маданияти тараққиётига буюк хисса қўшди. XV асрда Самарқандда астрономик академияга асос солди.

**Алишер Навоий ижоди.** Маърузачи, энди темурийлар даври маданият ва йлм-фани ривожига улкан хисса қўшган ўзбек халқининг улуғ шоири на мутафаккири Мир Алишер Навоий ҳақида ҳам қисқача тухталиб ўтмоғи, бу ҳақида тулиқ маълумот олишлари учун талабаларга 20-иловада баён этилган Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги фикрларни ўқиб олишларини тавсия этмоғи лозимдир.

Алишер Навоий Ҳиротда кўпгина илм ва санъат аҳлини тўплади, уларни ҳар томонлама химоя қилди. Абдурахмон Жомий, Сайид Хасан Ардашер каби сўз усталари Навоийнинг яъни дўстлари ва маслаҳатчилари эдилар. Навоий истеъдодли ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берди. Тарихчи Хондамир, хаттот Султон Али, рассом Беҳзод ва бошқалар Навоий хомийлигида камолга едилар. Навоий Мадраса, кутубхона, шифохона, ҳаммом ва шунга ўхшаш бинолар курдирди.

Навоийнинг Ҳиротда курдирган «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари, «Холосия» хонақоҳи, Марвда курдирган «Хисравия» мадрасаси илм ва санъат ривожига катта аҳамиятга эга бўлди. Хондамирнинг таъкидлашича, у «талабалар фақат уқиш билан машғул бўлсин», деб уларга нафақалар тайин этган.

Алишер катта ер ва мулк эгаси бўлган. У йиллик даромадининг катта қисмини халқ фаровонлиги учун ҳар хил қурилишларга, очларни боқиш ва камбағалларни кийинтириш каби савоб ишларга сарфлаган.

Навоий қизғин ишга берилиб, ўзбек адабий тилини тарақий эттириш, бу йўлда бадий асарлар яратиш, уларда мамлакат ва халқ манфаатини ёритиш вазифасини ўз олдига қўяди ва дастлаб лирик шеърлар билан кенг шуҳрат қозона бошлайди. 1470 йилларнинг бошларида биринчи девони «Бадоеъул-

бидоя» («Бадийлик ибтидоси»)ни тузди. 1476-1483 йиллар орасида иккинчи девони «Наводирун-нихоя» («Беҳад нодирликлар»)ни яратди.

Шиорини майдонга ташлаган Алишер ўз вақти ва имкониятларидан ниҳоятда самарали фойдаланади. «Хамса»дан кейин яна кўпгина бадий ва илмий асарлар яратиб, санъат ва адабиёт, илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Навоий доимо кизган иш билан банд эди. Феодал-ўзаро тож-тахт талашлари уни қаттиқ ташвишга солмоқда эди. 1500 йилнинг ёзида Хусайн уғли Муҳаммед Хусайнга қарши юради, жангда ғалаба қилган Хусайн уғли билан ярашади ва у 28 декабрда Ҳиротга кириб келади. Навоий бетоблигига қарамай шохнинг истиқболига чиқади. Унинг сихати оғирлашади, беҳуш Навоийни Ҳиршта олиб қайтадилар. 1501 йилнинг 3 январида Алишер Навоий Ҳиротда вафот этади.

Навоий жуда катта бойлирик ва кўп илмий асарлар ёзиб қолдирди. Бу хазинанинг асоси ўзбек тилида ёзилган 45 минг мисрда яқин шеърлардир. Бу «Ҳазойин ул-маоний» ва форс-тожик тилида 12 минг мисрадан зиёдрок шеърлар - «Девони Фоний» ташкил этади. Унинг ҳамма асарларини бугунги кунда ҳар бир инсон севиб уқийди ва мутолаа қилади.

Маърузачи Амир Темур ва темурийлар даври маданияти ривожига йирик ҳисса қўшган ҳукмдор ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳам қуйидагиларга тўхталиб ўтмоғи лозим:

Захириддин Муҳаммад Бобур фақатгина ҳукмдор бўлиб қолмасдан халқ севган шоир ҳам эди. Унинг ижодиёти кўпроқ, йирик асарлари ҳамда «Бобурнома» билан характерланади. Бизга Бобурнинг 100 дан ортиқ ғазали ва 200 га яқин рубойлари маълум бўлиб, уларда ишқ ва муҳаббат, гўзаллик ва шодлик қўйланади.

## ХУЛОСА

IX-XII асрлар уйғониш даврида юртимиздан шундай буюк зотлар етишиб чикдиларки, улар нафақат тарихда, айна вақтда башариятнинг бугунги тараққиёт саҳифаларида ҳам ўчмас из қолдирдилар.

Президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида ўтган буюк аждодларимиз хизматларига кенг таъриф ва баҳо бериб, бугунги кунда бизнинг мақсадимиз “бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму-фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир”,<sup>1</sup> деб таъкидладилар. И.А.Каримов мазкур асарда буюк аждодларимиз қолдирган бу ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайдилар ва шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммаларига олмасалар, четдан биров келиб бу ишни қилиб бермаслигини алоҳида таъкидлайдилар.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. 44-б.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И. Каримов. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эҳтиромлари. (Туркистон пресс нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси) Халқ сўзи 23 феврал 2007 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005 й.
3. И. Каримов - «Тарихий хотирасиз - келажак йўқ» Т. Шарқ 1998 йил.
4. И. Каримов «Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» Т., т. 11, «Ўзбекистон», 2003 й. 266-267 бетлар.
5. Г.Матвиевская, Х.Тиллашев «Ал-Фарғоний - буюк аллома» «Фан ва турмуш» журнали 1998 йил 2 - сон.
6. Ф.Хикматов, Д.Айтбоев «Аҳмад Фарғонийнинг буюк мероси» «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1998 йил 23 октябр.
7. М.Хайруллаев «Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти» Т. «Фан» 1996 йил. 23-35 бетлар.